Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 61 (3562)
15 ЧОРШАНБА
МАРТ 1978 й.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президумининг Раиси Л. И. Брежнев 14 март куни Кремлда таниқли ҳарбий бошлиқларга, партия ва совет ходимларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди. Шу ҳақда хабар ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг мукофотларни топшириш вақтида сўзлаган нутқи бугун газеталарда эълон қилинган.

★ Кеча РСФСР ва Литва ССР Олий Советлари Президиумларининг бўлиб ўтган мажлисларида шу республикалар Конституцияларининг лойиҳалари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

РСФСР ва Литва ССР Олий Советларининг Президиумлари қабул қилган фармонларда комиссиялар тақдим этган конституцияларнинг лойиҳаларини асосан маъқулладилар ва уларни республикаларда умумхалқ муҳокамасига қўйдилар.

★Учишни бошқариш маркази хабар қилади: космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречконинг узоқ давом этган орбитал учиши тугай деб қолди. Кеча улар Ерга қайтишга тайёргарликни давом эттирдилар.

НАВБАТ ПАРДОЗЧИЛАРГА

БУГУН

Жарқўрғон кўчасида яна бир турар жой биноси қурилишида умумий бинокорлик ишлари ниҳоясига етди.

Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трести 30-қурилиш бошқармасининг Тешабой Нурматов раҳбарлигидаги комплекс бригада аъзолари амалга оширишди.

Объектда пардозловчилар ҳам ўз ишларини бошлашди. Қурувчилар объектни муддатидан уч ой илгари — май ойида фойдаланишга топшириш учун қарор қилишган.



Коммунист Қаҳҳор Зиёмуҳамедов 33 йилдан буён 10-автомобиль ремонти заводининг механика цехида штампаловчи бўлиб ишлайди. У нўп йиллик самарали меҳнати учун учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени ва медаллар билан тақдирланган. Ишлаб чиқариш ветерани беш йиллик шахсий топшириқларини уч йилда бажариш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: Қ. Зиёмуҳамедов. М. Нуриддинов фотоси.

Зарбдор меҳнатимиз — беш йилликнинг учинчи йилига

БРИГАДАНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИ ҚАМ ИШЧИ КУЧИ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

Катта мақсад йўлида

Сведдловсклик бинокорларнинг беш йиллик топшириқни кам ишчи кучи билан бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини «Главташкентстрой»нинг 8-қурилиш трестидаги энг яхши бригада коллективлари ҳам қўллаб-қувватлашмоқ д а. Бир неча йиллардан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобининг бригада пудрати методи асосида унумли иш олиб бораётган 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Т. Исмоилов бошлиқ бригадаси бу ташаббусга биринчи бўлиб қўшилди. Бригада СССР Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириғини ҳам бажаришни кўзламоқда.

Шунингдек, 3-пардозлаш бошқармасининг П. Данилов, 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Панин раҳбарлигидаги бригадалар ҳам свердловсклик қурувчилардан ўрнак олишди. Трестнинг саккизта бригадаси шу усулда меҳнат қилиб, беш йиллик планини барвақт бажаришга аҳд қилди.

• 22 апрель—коммунистик шанбалик куни

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁДАН

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, малакаликларнинг ташаббусига қўшилиб, 22 апрелда Бутуниттифоқ меҳнат байрамига бир кун, бир жон бўлиб чиқишга аҳд қилди.

БУГУН

корхонада коммунистик шанбаликка тайёргарлик олиб борувчи махсус штаб шанбалик программасини эълон қилди.

Корхона партия ташкилотининг секретари, штаб раиси М. Солиевнинг маълум қилишича, шу куни меҳнат байрамига 700 дан ортиқ киши чиқади. Уларнинг ҳаммаси ўз иш жойларида меҳнат қилишади. Чеварлар шанбаликда тежалган материаллар, электр қуввати ҳисобига ишлашиб, 2 минг дона ёки 30 минг сўмлик тикув буюмлари тайёрлаб беришади.

Механик-ремонтчилар шу куни мавжуд тикув агрегатларининг узлуксиз ишлашини таъминлайдилар. Хизматчилар ва транспортчилар эса бирлашма биноси атрофларини ободонлаштирадилар. Юзлаб туп дарахт ва гул кўчатларни ўтқазишади. Тўпланган темир-терсак шу куни «Вторчермет» базасига топширилади. Коммунистик шанбаликдан тушган 3 минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.

Лекция пропагандасини яхшилашга бағишлаб

БУГУН

Тошкент область партия комитетининг сиёсий маориф уйида «КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тўғрисида»ги қарори муносабати билан «Лекция пропагандаси сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари» деган мавзуда илмий-назарий конференция ўз ишини тугатди.

Тошкент область партия комитети ва Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленеси ташкил этган семинарда пойтахтдаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари олимлари ва пропагандистлар қатнашдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев «Лекция пропагандаси сифати ва самарадорлигини ошириш— партия комитетлари ва «Билим» жамияти ташкилотларининг муҳим вазифасидир» деган мавзуда доклад қилди.

Шундан кейин бир қатор олимлар муҳим мавзуларда лекция пропагандасини яхшилаш масалалари ҳақида докладлар қилдилар.

Тадқиқотлар самарадорлиги учун

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар эксперимент а л биологияси институти олимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга тараққиётга катта ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги йилларда коллектив 1.5 миллиард сўм и қ т и с о д и й самара берадиган 15 та й и р и к тадқиқотлар амалга оширди. Жумладан, «Тошкент—1» ғўза нави яратилди, ғўзанинг шўрга бардошлилигини ошириш методлари ишлаб чиқилди. Хлорхолин-хлорид препарати ёрдамида ғўза ўсишини тартибга солиш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш методлари ҳам ана шу институтда яратилди. Бу янгилик республикамиз қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иш сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, 1977 йил халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақада эришган ютуқлари учун институт Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу юксак мукофотни коллективга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов топширди.

Институт коллективига ана шу мукофотни топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзга чиққан институт директори, биология фанлари доктори А. А. Абдуллаев, лаборатория мудири, республика Фанлар академияси мухбир-аъзоси С. С. Содиқов, институт комсомол ташкилотининг секретари Л. Саранскаялар тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшиш учун институт коллективи бутун куч-ғайратларини ишга соладилар, деб ишонтирдилар.

Бу йил институт олимлари барча тадқиқотларни жадаллик билан давом эттирадилар. Улар орасида суғориладиган ерлар самарадорлигини тубдан яхшилашга имкон берувчи деҳқончиликнинг янги системалари ҳам мавжуд. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг 5 минг гектарга яқин далаларига «АН—402» янги нави ғўза — чигитлари экилади. Бу янги нав тўқимачилик саноатининг энг юксак талабларига мувофиқ бўлиб, тола сифати жиҳатидан бошқа навларга қараганда афзалликка эга. Бу нав ҳам ана шу институт коллективи томонидан яратилган. Жиззах областининг янгидан ўзлаштирилаётган ерлари шароитида энг мақбул суғориш усулларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Бир сўз билан айтганда институт коллективи олдида ҳал этилиши зарур бўлган катта ва муҳим вазифалар турибди. Улар муваффақият билан амалга оширилади.

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

БЕШ МИЛЛИОН ТОННА

БУГУН

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БУЛИНМАСИНИНГ ПУЛАТ ИЗ ШУНҚОРЛАРИ ЙИЛ БОШИДАН БУЕН МАНЗИЛЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРГАН ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ЮКЛАРИ 5 МИЛЛИОН ТОННА БУЛДИ.

Оғир юкли составларнинг «чавандоз»лари республика хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар етказиб беришмоқда. Бундан ташқари Тошкентдан йўлга чиққан поездлар йирик ҳажмли темир-бетон конструкциялари, саб-завот маҳсулотлари билан Байкал—Амур магистралининг олис манзилларигача етиб бормоқда.

Пойтахт темирйўлчилари шунча юкни юз мингта вагонда ташиб бердилар. Юкларни зичлаб ўринли юклаш натижасида бир мингта вагон тежаб қолинди. Шунча вагонда яна 60 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиш мумкин.

Металл қарвони

БУГУН

Тошкент шаҳри бўйича йил бошидан буён қайта ишлашга топширилган металлар 40 минг тонна бўлди.

Корхоналарда, қурилиш майдонларида кераксиз бўлиб ётган металларни тўплаб қайта ишлашга топшириш кизғин давом этмоқда. Шаҳар комсомол комитети ўқувчилар ва ёшларнинг металлом тўплаш ишини ҳамма жойда намунали ташкил этмоқда.

Бунда Ҳамза районидаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», тажриба механика, енгил металл конструкциялари заводларининг коллективлари ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда.

Мактаб ўқувчилари 400 тонналик металл қарвонини ташкил этишган эди. Шу кунларда эса ВЛКСМнинг навбатда бўладиган съезди шарафига яна қизил қарвон ташкил этиш ҳаракати қизиб кетди.



Тошкент кўн-галантерея фабрикаси бу йил 80 дан зиёд моделда кўн-галантерея буюмларини ишлаб чиқаради. Хўжалик ва йўл сумкалари, қўлқоплар, тасмалар, «дипломат» папкалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Жами 8 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Хайри Дўстхўжаева.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

◆ УМРИ БОҚИЙ ДУСТЛИК

ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

БУГУН

Россия Федерациясининг ноқоратупроқ зонасидаги Новгород областида меҳнат қилаётган бунёдкорлар Ўзбекистон тасвирий санъат асарлари виставкаси билан таништиради бўлдилар. Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг панорам ва кўргазмалар дирекцияси ташкил этган махсус виставка у ерда очилди.

Бу виставка асосан республикамизда совет ҳокимияти йилларида тасвирий санъатнинг ривожланиши, унинг баркамол асарлари ҳақида ҳикоя қилади.

Новгород томошабинлари ўзбек санъаткорларидан А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, Ч. Аҳмаров ва бошқа бир қатор ёш рассомларнинг картиналари, портретлари, амалий санъат асарлари намуналарини кўрадилар.

Бундай кўргазма Озарбайжон республикасининг турли шаҳарларида ҳам муваффақият билан намойиш этилган эди.

• Ёшлар фестивали

«Биз—ватанпарвар, интернационалистлармиз!»

Ана шундай шиор остида шу кунларда ВЛКСМ 60 йиллигига ҳамда ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI Жаҳон фестивалига бағишланган ёшларнинг республика фестивали ўтмоқда. Республика фестивали доирасида Тошкентда шаҳар фестивали ўтяпти. «Оқшом»нинг илтимосига мувофиқ Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, фестивалнн ўтказиш бўйича ташкилий комитет раисининг ўринбосари Ш. Т. Нусратов ана шу фестивалнинг мақсад ва программаси ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Биринчи навбатда фестивалнинг программаси йигит ва қизларни Ленин васиятларига, партия ишига садоқат, СССР халқлари дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни янада такомиллаштиришга хизмат қилажагини таъкидлаб ўтиш лозим. Шу сабабли, табиийки, шаҳар партия ташкилоти уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин шаҳар фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий комитетнинг раиси эканлиги ана шундан далолат беради.

«Биз ватанпарвар, интернационалистлармиз!» шиори остида ўтаётган фестиваль КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, ўнинчи беш йиллик планларини бажариш учун курашда ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга даъват этилган.

Шу муносабат билан унинг программасига зарбдор комсомол қурилишларининг «Ёш қурувчилар — Жаҳон фестивалига» меҳнат эстафетаси, ёшлар илмий-техника ижоди виставкаси, ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали фондига қўшадиган меҳнат ҳиссаси киритилган. Бир сўз билан айтганда, у ўзига хос «ишчи коржомасидаги фестиваль» бўлади.

Фестиваль программасида ижодий ёшларнинг иштироки билан боғлиқ қатор тадбирлар кўзда тутилган. Ёшлар дўстлиги ҳақидаги энг яхши комсомол қўшиғи учун, «Комсомол ёшлигим менинг» мавзуи бўйича энг яхши публицистик материал учун конкурслар, болалар ва ўсмирлар учун музика ҳафталиги, ёш актёрларнинг ижодий ҳисоботлари, болалар ва ўсмирлар адабиёти ҳафталиги, болалар техника ижоди виставкаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фестиваль программасининг аксарият қисми умуммаълум мактабларини, олий ва ўрта махсус билим юртларини қамраб олади. Жумладан, апрель-май ойларида — «Орлёнок» комсомол ҳарбий-спорт ўйинларининг район, шаҳар ва область финаллари, қишлоқ мактабларига баҳорги дўстлик юриши, В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган Ленин дарси; март ойида— педагогика олий ўқув юртлари студентларининг илмий-назарий конференцияси, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ва юқори синф ўқувчиларининг меҳнат бирлашмалари слёти; апрель ойида— аълочи ўқувчилар, ижтимоий-сиёсий ишларнинг активистлари ва студент қурилиш отрядлари зарбдорларининг слёти; май ойида — пионерларнинг «Биз — содиқ ўринбосарингмиз, комсомол!» слёти ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг ҳаммаси республика фестивали программасида кўзда тутилган бўлиб, уларда Тошкент ёшлари, ўқувчилар ва студентлар бевосита иштирок этишади.

Фестиваль программасининг спортга бағишланган қисмида иштирок этувчиларни ҳам қизикарли тадбирлар кутмоқда. Тадбирлар плани бўйича, жумладан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Майна Ҳасанова номидаги совғини учун хотин-қизлар енгил атлетика кроссини, ГТО комплекси нормативлари бўйича район, шаҳар ва область спартакиадаларини ўтказиш кўзда тутилган. Ҳозир республикамиз пойтахтида ёшларнинг район фестивеллари ўтяпти. У 20 мартгача давом этади.

Ёшлар шаҳар фестивалининг якунловчи кисмини шу йил 7— 10 апрель кунлари ўтказиш мўлжалланган. Шу кунларда пойтахт олий ўқув юртлари интернационал дўстлик клубларини ва секцияларининг эстафетаси ўтказилади.

7 апрелда токарь, фрезерчи, слесарь, газэлектр пайвандчи, ғишт терувчи, бўёқчи, сувоқчи, тўқувчи ихтисосликлари бўйича «Энг яхши ёш ишчи» унвони учун касб маҳорати конкурслари ўтказилади.

8 апрелда ёш ектёрларнинг саноат, транспорт ва алоқа корхоналари меҳнаткашлари билан ижодий учрашувлари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерт-конкурсл е р и, профессионал ижодий коллективларнинг чиқишлари ташкил этилади.

9 апрелда ГТО комплекси бўйича шаҳар спартакиадаси, спортнинг айрим турлари бўйича мусобақалар, турли ёшларнинг, шунингдек, Тошкентда таълим олаётган хорижий студентларнинг иштирокида эстафеталар, шаҳарнинг таниқли спортчилари билан учрашувлар ўтказилади.

10 апрелда мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари интернационал дўстлик клубларининг шаҳар слёти бўлади, «Расмларимизда олам акси» деб номланган болаларнинг асфальтга чизган расмлари конкурси ўтказилади.

Шу куни касб маҳорати конкурслари, спорт мусобақалари ғолибларининг, бадиий ҳаваскорлик конкурслари лауреатларининг иштирокида якунловчи «Биз — ватанпарвар, интернационалистлармиз!» митинг-концерт бўлиб ўтади, ғолибларга мукофотлар, ёрликлар, эсдалик совғалари топширилади.

Шундай қилиб, оқ йўл, фестиваль!

Лекция пропагандасини яхшилашга бағишлаб

БУГУН

Тошкент область партия комитетининг сиёсий маориф уйида «КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тўғрисида»ги қарори муносабати билан «Лекция пропагандаси сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари» деган мавзуда илмий-назарий конференция ўз ишини тугатди.

Тошкент область партия комитети ва Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленеси ташкил этган семинарда пойтахтдаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари олимлари ва пропагандистлар қатнашдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев «Лекция пропагандаси сифати ва самарадорлигини ошириш— партия комитетлари ва «Билим» жамияти ташкилотларининг муҳим вазифасидир» деган мавзуда доклад қилди.

Шундан кейин бир қатор олимлар муҳим мавзуларда лекция пропагандасини яхшилаш масалалари ҳақида докладлар қилдилар.

Хизмат кўрсатиш яхшиланади

«Ташхозкультторг» коллективи ҳамшаҳарларимизни маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари билан таъминлайди. Шуни айтиш керакки, бу борада коллектив бир қанча ютуқларга эришди. Ўтган йилги социалистик мусобақа якунларига кўра «Ташхозкультторг»га Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Юксак мукофотни тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР савдо министри Ғ. Ғ. Юсупов топширди. Коллектив бу юксак мукофотга,— деди у, —юбилей йилида социалистик мусобақани қизғин олиб борганлиги ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятни бажарганлиги учун эришди. Ўтган йилги социалистик мусобақа якунларига кўра «Ташхозкультторг»га Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини бажаришди. Ҳар бир коллектив харидорлар илтимосини қондириш билан бирга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилади. Ўтган йили бешта магазин ўз-ўзига хизмат қилиш усулига ўтказилди. Ҳозир ана шу прогрессив усул бўйича 53 та корхона харидорлар хизматида бўлмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғининг коллективимизга топширилиши,— д е д и йиғилишда сўзга чиққан «Ташхозкультторг» директори Б. Ш. Болтабоева.— бизни меҳнатда янги ютуқларга эришишимизга чорлайди.

Ҳозир торгдаги барча корхоналарда зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш бўйича социалистик мусобақа кизғин тус олган. 39-магазин ишчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб беш йилликнинг уч йили планини СССР янги Конституциясини и н г бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилишди. Пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот сотилади.

Юксак мукофотдан руҳланган «Ташхозкультторг» ишчилари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб йиллик планни 27 декабрда пландан ташқари 1.5 миллион сўмлик хизмат кўрсатишади.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Ҳар кун ғанимат

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ БЎЙИЧА ШАҲАР ШТАБИНИНГ ИЙҒИЛИШИДАН

Баҳор фаслида шаҳримизда умумхалқ ҳашарларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ҳамшаҳарларимиз кўча ва майдонлар, микрорайон ва маҳаллаларнинг янада обод бўлиши учун умумхалқ ҳашарларига чиқадиган бўлишди. Бу сафарги ободонлаштириш икки ойлиги ташаббусини Октябрь ва Киров райони меҳнаткашлари бошлаб беришди. Ўзбекистон пойтахтининг корхона, ташкилот, ўқув юртлари коллективлари бу ташаббусни зўр иштиёқ билан кутиб олишди. Конкрет планлар тузилиб, маълум участкалар бириктирилди.

Куйбишев районида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қандай ташкил этилганлиги ҳақидаги масала ободонлаштириш икки ойлиги бўйича шаҳар штабининг йиғилишида кўриб чиқилди. Йиғилиш Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов раислигида ўтди.

Март ойининг биринчи кунларида Куйбишев районидаги корхона, ташкилот ва ўқув юртлари ободонлаштириш ишларини актив бошлашди. Барча ишлар олдиндан тузилган план асосида олиб борилиб, қайси участка қайси коллективга биркитиб қўйилганлиги, дарахт ва кўчатлар кимлар томонидан ўтқазилаётганлиги, территорияларни тозалаш кимлар томонидан бажарилаётганлиги назорат қилиб борилди. Ҳар куни бўлиб ўтаётган ана шундай ҳашарларда 2 мингдан тортиб 5 минггача ҳамшаҳарларимиз иштирок этишди.

Район штаби ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни назорат қилиб борди. Унинг йиғилиши ҳафтада бир марта ўтказилиб камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинди.

У м у м а н, район да бу борада анча ишлар қилинган. Лекин ҳали ҳам баъзи шундай корхона, ташкилотлар борки шаҳримизда ҳозир ўтказилаётган икки ойликдан бутунлай бехабардирлар. Биринчи навбатда бу савдо корхоналари, институтлар, мактаб ва даволаш ташкилотларидир. Бу фактлардан кўриниб турибдики Куйбишев районида ҳали ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига тўла киришилган эмас.

Март ойининг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Шунинг учун ҳам дарахт ва яшил тўсиқларни тезда ўтказиш, ирригация шоҳобчаларини зилол сувларга тайёрлаш, қишдан чиққан чиқиндиларни ўз вақтида йўқотиш зарур. Биноларнинг ташқи кўриниши тезда ремонт қилиниши, уйларнинг айвонлари тартибга келтирилиши лозим.

Куйбишев районида икки ойлик мобайнида олиб борилаётган бундай камчиликлардан шаҳримиздаги барча районлар хулоса чиқаришлари зарур. Ҳозир кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида ишлаб чиқилган режаларни ўз вақтида бажариш лозим. Ана шу ишни бажаришда Ўзбекистон пойтахтининг барча коллективлари иштирок этишлари керак. Фақат кўпчилик кучи билангина биз Тошкентимизни мамлакатимиздаги энг гўзал ва кўркам шаҳарлардан бирига айлантиришимиз мумкин.

А. ҲАТАМОВ.

• Сув полоси

НИҲОЯТ ҒАЛАБА

«Меҳнат» ватерполчилари дастлабки уч ўйинни дуранг натижа билан тугатганликлари ҳақида хабар қилган эдик. Бундай аҳвол команда тренерлари ҳамда ишқибозларни ташвишга солган эди. Лекин кечаги беллашувда тошкентликлар ўз характерини кўрсатишди.

«Меҳнат» — «Москвич» командалари учрашувининг дастлабки икки бўлимидан кейин таблода 1:1 рақами порлаб турарди. Шундан кейин ўйинчилар ғалабага эришиш мақсадида янада кескин ҳаракат қила бошладилар. Учрашув тугашига бир неча минут қолганида мамлакат ўсмирлар терма командасининг аъзоси меҳнатчи Чжу маҳорат кўрсатди. У «Москвич» командаси дарвозасини аниқ нишонга олишга муваффақ бўлди — 3:2. Меҳнатчилар дастлабки ғалабани қўлга киритишди.

Москва Давлат университети ва Тбилисининг «Динамо» командалари ўртасидаги учрашув ҳам ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Москваликлар 7:6 ҳисобида ғалабага эришдилар. ҚКФ (Боку) — «Динамо» (Львов) учрашувида 5:3 ҳисоби қайд қилинди.



ВАҚТДАН ЎЗИБ

Мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кўпдаб ҳар хил диаметрдаги абразив маҳсулотлари тайёрлаб берастган Тошкент абразив комбинати коллективи ўртасида йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш борасида бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Корхона ишчиларининг кўпчилиги «Беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари— СССР Конституцияси қабул қилинган кун — 7 октябргача бажарамиз» шиори асосида меҳнат қилянти. Комбинат ишчилари мунтазам равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам диққат-эътиборни қаратиб келишмоқда. Бу борада айниқса ветеран ишчилар ибрат кўрсатишяпти. Ушбу диққатингизга ҳавола этилаётган фотолавҳада шахсий беш йиллик план топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган шундигдек барча маҳсулотларни аъло сифат билан топширастган пешқадам сараловчилар Мария Мочарко ва Нина Жильцовалар тасвирланган. Улар қуйлик нормаларини 1,5 бараварга етказиб адо этишяпти.

М. Нуриддинов
фотоси.

• Беш йиллик қаҳрамонлари

Бунёдкор йигит

Мухтор ака ҳақида кўп эшитган эдим. Лекин уни кўрмагандим. Яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, мамлакатимизгагина эмас, чет элларга ҳам маълум ва машҳур Николай Анатольевич Злобин капитал қурилиш масалаларига бағишланган республика партия-хўжалик активи йиғилишига келган эди. Хўжалик ҳисобининг бригада пудрати методининг асосчиси, ташкилотчиси пойтахтимизда олиб борилаётган улкан ҳажмдаги қурилиш ишлари билан танишмоқчи бўлганида биринчи бўлиб уни Мухтор ака меҳнат қилаётган объектга бошлашибди. Чунки Мухтор ака бригадаси меҳнат қилаётган объект республикамизнинг улкан қурилишларидан бири. Бундан ташқари бригада йил бошидан бошлаб хўжалик ҳисобидаги участкада меҳнат қилянти. Ҳозирда республикамизда тўрт минг томошабинга мўлжалланган кино-концерт залидай катта иншоот хўжалик ҳисобида қурилмаган. Коллектив айни кунларда қандай иш олиб бораяти, улар дадил қўл урган янги методни бошқа қурилишларга ҳам татбиқ этса бўлармикин, деган ниятда объектда бўлдим.

Қурилиш узоқдан унчалар катта кўринмаган эди. Бетон девор билан тўсилган майдончага кириб, жигарранг тусли улкан темир устунлар монтаж қилинаётган жойга яқинлашганим сари назаримда унинг ҳайбати орта бошлади. Устунларни — бинонинг синчларини бирбирига мос қилиб, лойиҳада белгиланганидек монтаж қилаётган қурувчиларга, белига ҳимоя камарини боғлаб, юксакликда ингичка темир тўсинлар устида дорбозлай ҳаракат қилаётган пайвандчиларга ҳавас билан боқдим.

...Мухтор ака билан суҳбатимиз ноёб бино қурилиши ҳақида бўлди.

— Объект қандай бўлади, дейсизми? — дейди саволимни тақрорлаб суҳбатдошим. Кейин бироз ўйлаб олгач бошлайди: — Корпуснинг баландлиги ўн уч қаватли уй билан тенг бўлади. Катта залга уч минг юз. балконларга саккиз юз киши сиғади. Бундай бино мамлакатимизда биринчи марта қурилянти. Лойиҳасини Москвадаги тажриба тариқасида иншоотлар қуриш илмий-тадқиқот институти яратган. Қурилиш 1985 йилда битказилиши керак эди. Бироқ, ўз. имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб объектни 1980 йилнинг сўнги ойларига тугаллашга қарор қилдик.

— Хўжалик ҳисобидаги участканинг иши ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу усул бригада пудрати методига ўхшаб кетади. Бригада пудрати методи типовой бинолар қуришга мўлжалланган. Ундай объектларга ишлатиладиган деталлар заводларда серияли асосда ишлаб чиқарилади. Бизнинг объектга ўхшаган қурилишларга эса ҳар бир деталь махсус тайёрланилиши керак. Шунинг учун таъминот масаласини ҳал этиш сал қийинроқ бўлади. Қурувчилардан ҳам кўп билим ва тажрибани талаб этади. Шу сабабли участка пудрати методи бўйича ишлашга энди киришилмоқда. Николай Анатольевич Злобин объектимизда бўлиб қурилиш ишларининг борини, бинонинг лойиҳа ҳужжатлари билан танишгач:

— Мен ҳам сизларга ўхшаб катта иншоотлар қуришни орзу қиламан, — деган эди.

Участкамиз барча масалаларни трест билан биргаликда ҳал этади. Материал таъминоти, ишчи кучларини тақсимлаш, бош пудратчилар билан алоқа ўрнатиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш каби масалалар билан участка бошлиғимиз шуғулланади.

Мухтор Ҳабибуллаевнинг айтишича, объектга 6 минг тоннадан ошиқ металл ускуна, кўплаб турли ўлчамдаги арматуралар монтаж қилинар экан. Залнинг устига ҳар бири 120 тонналик тўртта ва ҳар бири 150 тонналик 2 та ферма-тўсин ишлатилади. Уларни ҳам бригада аъзолари монтаж қилишмоқчи. Одатда бундай ишлар «Стальмонтаж» трести томонидан бажарилар эди. Бригада бундай ишни амалга оширишни биладиган мутахассисларни қаердан топади?

— Эсингизда бўлса, Матлуботчилар уйи қурилишида ҳам улкан тўсинлар монтаж қилинган эди. — дейди Мухтор ака.—Ўша ерда монтажчиларнинг ишини жуда қизиқиб томоша қилгандим. Ўзим ҳам ана шундай ишлар билан шуғуллангим келарди. Озми-кўпми, монтажчиликни ўрганиб олгандим. Бригададаги Александр Мордовин, Ринат Нурлигаянов, Николай Букацелло каби монтажчиларнинг малака ва тажрибаларига таяниб, бу ишни ҳам ўзимиз бажаришга қарор қилдик.

М. Ҳабибуллаев улкан кошона қурилишида ишда тўпланган тажрибаларини татбиқ этяпти. Муҳаммаджон Каримов. Меҳнат Қизил Байроқ ордени дурадгор Манноб Аҳмедов. Александр Путинцев сингари бинокорлар билан бамаслаҳат иш юритянти. Лойиҳа жуда мураккаб. Ўтган ойда у трест бош пайвандчиси Н. Чернова, бош механик Ю. Кирик, прораб В. Хоненко билан Москвада, иншоот лойиҳасини тузган институтда бўлди. Лойиҳанинг бош архитектори Игорь Александрович Ленточников ва бошқа меъморлар ҳамда инженерлар билан учрашди.

— Катта залда куй оҳангига мос ҳолда ёруглик кучи ўзгариб турадиган чироқлар ўрнатишга қарор қилдик, — деди Игорь Александрович ташкентлик дўстларига.— Бинога киравериша ўрнатиладиган устунлари қандай безаш ҳақида эса сизлар билан маслаҳатланиб олсак дегандик. Ҳарқалай сизлар ўзбек халқининг дидини, уларга нималар кўпроқ ёқишини яхши биласизлар.

Ҳабибуллаев меъморнинг сўзларини диққат билан тингланди. Кейин ҳозир ўзлари қуришаётган объект лойиҳасини хаёлан пойтахтдаги қатор иншоотлар билан солиштириб кўрди.

— Менимча, комплекса киравериша ўрнатиладиган устунларни алюмин ўрнига мармар билан қопласак, — деди Ҳабибуллаев ҳамкасбларига ва меъморларга маслаҳат тариқасида. — Чунки мармар алюминга нисбатан бинога кўпроқ кўркамлик, салобат бахш этади. Ҳозир Тошкентдаги кўп биноларнинг мармар билан қайта жиҳозланмоқда. Интерьерларни безашга келганда ўзбек миллий ўймакорлик санъатидан кўпроқ фойдаланиш керак. Республикамизда бу соҳада унумли иш олиб борастган усталар жуда кўп. Бундан ташқари бино Ўзбекистон пойтахтида қурилгани учун унда ўзбек тасвирий ўймакорлик санъати намуналари қанча кўп бўлса, халқимизга шунча манзур бўлади.

Мухтор фикрларини кўпчилик маъқуллаганини кўриб, лойиҳачиларга бошқа фикрларини ҳам айтиб олди:

—Комплекснинг ички деворлари, вентиляция, ёритгичларни ёнғинга қарши автоматика ускуналарини ўрнатиш лойиҳаларини тезроқ тайёрлаб беришларини илтимос қиламиз. Чунки, тез кунлар ичида объектимизда ёрдамчи пудратчилар иш бошлаши керак.

М. Ҳабибуллаев Москвада бўш вақтларини бекор ўтказмади. Пойтахтдаги улкан қурилишларни бориб кўрди. Лужникида янги арена қурилишида 72 метрли улкан тўсинларни монтаж қилаётган ҳамкасбларининг ишларини кўрди, тажрибали қурувчилар, монтажчилар билан учрашиб, тез ва сифатли меҳнат қилиш сирлари билан ўртоқлашди.

У Москвадан бир олам таассуротлар билан қайтди...

— Ишларимиз яхши кетяпти-ку, лекин таъминот масаласи сал оқсаяпти, — дейди бригадир. — Тўйтепа металл конструкцияларни заводи объектни материаллар билан таъминлашда технология қоидаларини бузмоқда. Масалан биз ҳозир 7,5 метр баландликдаги қаватни битказиб 10.84, 12,68 ва 14.10 метр баландликдаги қаватларни қуришга киришиш учун лойиҳа ҳужжатлари ва конструкциялар кутяпмиз. Завод эса объектга том ёпишда ишлатиладиган конструкциялар жўнатмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, девор битказилмаса, том ёпиб бўлмайди. Шунинг учун монтажчиларнинг иши тўхтаб қоляпти.

Юқорида номи тилга олинган завод раҳбарлари корпус бўлимларини қуришга кетадиган материаллар етказиб беришда ҳам технология қоидаларига риоя қилишмаяпти. Пастки қаватларни конструкциялар билан таъминлаш ўрнига юқори қаватларга ишлатиладиган материаллар юборишмоқда. Қурувчиларимиз бундай ҳолга тезроқ барҳам беришларини кутишяпти.

Бундай камчиликларга қарамай, коллективда иши яхши ташкил этилиши туфайли қурувчилар унумли ишлаб, план топшириқларини ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Бригада бажарган ишлар аъло сифатга қабул қилинмоқда. Қурувчиларнинг ҳар бири иккиуч касб соҳибларидирлар. Куни кеча коллектив ўз меҳнат календарида 1980 йилнинг февраль ойини бошлади. Бригада етакчиси бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга аҳд қилган ўн нафар ташаббускорнинг бири. Бригада шу йил июнь ойида ўнинчи беш йиллик топшириғини бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига иш бажара бошлайди. Хўш, муваффақиятларнинг сири нимада?

— Коллективимизда 80 дан зиёд қурувчи бор, — дейди Мухтор ака.— Улар звеноларга бўлинган. Звено бошлиқлари ишнинг кўзини биладиган кишилардан ибарат. Улар ҳар бир топшириқни сўзсиз яхши қилиб бажаришади. Бригадамизда трестда биринчи марта нуқсонсиз меҳнат табели ташкил қилинган. Унга қурувчилар бажарган иш сифати, меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ёки аъзоларнинг ибратли ташаббуслари ёзиб борилади.

Ҳабибуллаев коллективининг фаолиятн билан танишар экансан, бенихоя кўпдан бери мени қизиқтираётган масала— бригадада бошлиғи қандай бўлиши кераклиги хусусидаги саволга ундан жавоб топмоқчи бўлдим.

— Бригадир аввало ўз касбини севиши, ундан фахрлана олиши керак, — деди М. Ҳабибуллаев. — У қурувчиларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши, лойиҳа чизмаларини тушуна оладиган, пайти келганда мастер вазифасини ҳам бажара оладиган бўлиши лозим. Пулни ўйлаб, шошма-шошарлик билан иш кўрадиган, енгил обрў тошишга интиладиганлар, қишлар кўнгилга йўл топа олмайдиганлар коллективга раҳбарлик қила олмайди. Трестимизда яхши бригадирлар кўп. Масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев, З. Неъматжонов... Мен 3-трестда ишлайдиган Петр Бем, 153-трестда меҳнат қиладиган Раҳим ака Зиёевни ёшлигимдан яхши биламан, 5 синф моҳир ташкилотчи, тарбиячи, ажойиб қурувчи сифатида ҳурмат қиламан. Мен улар билан бирга ишламаган бўлсам ҳам ўзимнинг устозларим деб биламан.

Лекин ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, республикамизга таниқли бинокор М. Ҳабибуллаевнинг камтарлик билан айтган сўзлари унга нисбатан ҳурматимни янада оширди юборди. Шунда бригаданинг тажрибали қурувчиларидан бири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени бинокор Манноб Аҳмедовнинг бригадири ҳақидаги қуйидаги сўзларини эсладим.

— Мухторжон касбининг шайдоси! Унинг ишни ташкил этишдаги маҳорати, ташкилотчилиги, одамийлиги таҳсинга сазовордир.

...Пойтахтимизнинг улкан иншоотн қурилишида 11-«Висотстрой» трестининг бошқа коллективлари ҳам унумли меҳнат қилишмоқда. Хўжалик ҳисобидаги участканинг Александр Своробогатенко. Зокир Мамаюсупов бошлиқ комплекс бригадалари аъзолари совутиш станциясида ишлашмоқда.

А. НИЁЗОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Киров ва Собир Раҳимов районлари мусобақаси

Илғорларнинг муносиб улуши

Икки ой муқаддам Киров ва Собир Раҳимов районларида партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб, унда 1978 йилдаги социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузилди, мажбуриятлар қабул қилинди. Мусобақадош районларнинг меҳнат коллективлари беш йилликнинг учинчи йили халқ хўжалиги топшириғини 19—20 декабрда бажариб, планга қўшимча 14,5 миллион сўмлик маҳсулот беришга, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 — 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтиришга эришишга қарор қилиб, белгиланган режаларни амалга ошириш учун курашни кучайтирдилар.

Кировликлар ва Собир Раҳимовликлар йилнинг бошидаёқ қабул қилинган мажбуриятларнинг амалга ошириш учун зарур шароит яратиб бориш мақсадида талайгина тадбирларни амалга оширганликларини ўтган ой натижалари кўрсатиб турибди. Январь ва февраль ойида улар шартномалар ва бюртмалар асосида ўхшаш корхоналарга ва истеъмолчиларга 72 миллион сўмликдан кўпроқ турли-туман буюмлар юборишди. Бу пландагидан 2,4 миллион сўмлик кўпдир.

Топшириқларни ва унг муддатидан илгари бажаришга «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, кенг истеъмол буюмлари фабрикаси, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси каби корхоналар ва муассасалар муносиб ҳисса қўшдилар. Жумладан, «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси. «Турист» маиший ишлаб чиқариш комбинати, тўқимачилик-галантерея фабрикаси планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича апрель муддатидан илгари топширдилар.

Корхоналарда йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга шахсий ҳисса қўшиш учун ҳаракат кенг қулоч ёйди. Жумладан, райондаги 13,6 минг ишчи шахсий беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигига бажаришга аҳд қилишди. Тобарь Р. Шокиров, силлиқловчи У. Тошмуҳамедова, тўқувчи Ш. Холмуҳамедова, тўқувчи-мотористка А. Ким, дурадгор Х. Тўлаганов, пайвандчи Т. Гаценко ва бошқалар шу йилнинг ўзида беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилди. 187 цех, 443 участка, мингдан ортиқ бригада «Қолоқларсиз ишлаймиз», «Сифат беш йиллигига ишчи кафолати» шиори остида меҳнат қилишяпти.

Бир қатор корхоналарда янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, белгиланган ташкилий-техник тадбирларни бажариш, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Мана шулар туфайли йилнинг бошида дурустгина меҳнат муваффақиятлари қўлга киритилди. Айнан меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобидан ўндан ортиқ корхона планга кўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мажбуриятларини уддалай олмади. Булар қаторида дурадгорлик буюмлари, металл фурнитура, экскаватор ремонти, асбобсозлик заводлари бор. 9-темир-бетон буюмлари, дурадгорлик буюмлари заводлари, 14-рельс пайвандлаш поезди меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича белгиланган планни бажара олмади.

Мусобақадош районларнинг саноат корхоналари, маданий-маиший, рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқни анча ортиги билан адо этдилар. Шу билан бирга Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, чинни ва металл фурнитура заводлари икки ойлик планда белгиланганидан анча кам маҳсулот бердилар. Хўжалик-иқтисодий фаолият якуни бўйича январь ойида «Ўзбексельмаш» заводи таннархини 217 минг сўмликка қимматлатириб юборди.

Беш йилликнинг учинчи йили биринчи квартали якунланишига саноқли кунлар қолди. Қолоқ участкаларнинг коллективлари барча мавжуд резервларни ишлаб чиқаришга жорий этсалар, фақат планларнигина эмас, мажбуриятларнинг ҳам муваффақиятли бажарилиши учун барча зарур тадбирларни кўрсалар умумий муваффақият анча салмоқли бўлади. «Мусобақанинг ошкоралигини ошириш, илғорлар ва новаторларни ҳурматлаш ва шарафлаш, уларнинг илғор тажрибаси ва ютуқларини кенг ёйиш ва жорий этиш лозим,— дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет калқига Мактубида. — Мажбуриятларнинг бажарилмай қолганлиги сабабларини чуқур таҳлил этиш, мусобақанинг барча участкаларига янада юқори марраларни эгаллашда ёрдам бериш зарур».

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг пешқадам тўқувчиси Шоира Холмуҳамедова коммунистик шанбаликда юз километр— смена топшириғида кўзде тутилганидан икки баравар кўп полотно ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Шоиранинг меҳнат байрами шонли воқеага тўғри келади. У шу кунн шахсий беш йиллик топшириғини бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлаш ниятидадир.

Шоиранинг энг яқин мусобақадошлари ва дугоналари М. Қодирова билан А. Гладковалар унинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Улар донгдор ишчи аёлнинг ташаббусини бир неча бор қўллаб-қувватлаган эдилар. Шоира тармоқда биринчи бўлиб хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтириб, тўртта машинада ишлай бошлаганида ана шу икки тўқувчи ҳам унга эргашишди. Ҳозир улар ҳам шахсий беш йиллик планни бажарай, деб қолдилар.

«Малика» трикотаж бирлашмаси ходимларидан тўрт мингдан зиёд киши меҳнат байрамида қатнашади. Шу куни 211 минг сўмлик маҳсулот— неча минглаб бежирим кофточка, жемпер, костюм, кўйлак ва пландан ташқари бошқа буюмлар ишлаб чиқаришди.

[ЎЗТАГ].



Коммунистик меҳнат зарбдори Фирдавсия Муротова кўп йиллардан буён асбобсозлик заводи 12-цехида деталь тайёрловчи бўлиб ишлаб келади. Корхона пешқадамлари қаторида бу зарбдор ишчи аёл ҳам шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари — уч йилда бажариш мажбуриятига имзо чеккан.

СУРАТДА: Ф. Муротова.

М. Нуриддинов фотоси.

1978 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Киров райони	Собир Раҳимов райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича план, нинг бажарилиши (процентларда)	104,0	102,9
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	101,2	108,8
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	101,8	107,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	98,6	106,2
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	—	71,6
Планни бажармаган корхоналар:	—	—
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида).	—	—
б) меҳнат унумдорлиги бўйича	—	5
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (план. га нисбатан процентларда)	107,4	101,5
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	111,0	114,7
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь ойи кўрсаткичлари (процентларда)	81,1	83,9
Турар жойни фойдаланишга топшириш планнинг бажарилиши (процентларда) 1978 йилнинг январь ойида	—	—

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АСОСИДА

КЎРГАНДА КЎЗ ҚУВОНСИН

СССР Конституциясида маҳаллий Советлар қошидаги доимий комиссияларнинг ҳам роли оширилган. Доимий комиссияларнинг аъзолари сайловчилар истакларини бевосита амалга оширишга, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боришга даъват этилганлар. Сайловчилар наказларининг бажарилиши — депутатлик фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ленин район Советидаги ободонлаштириш бўйича доимий комиссия аъзолари район территориясини ободонлаштиришга қаратилган сайловчилар наказларининг амалга оширилишида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Масалан, сайловчилар наказлари асосида юбилей йилининг иккинчи ярмида Аэропортдан темир йўл бекалигача бўлган автобус бекатлари ободонлаштирилди. Красновосточная, Мирсолиҳов кўчаси тротуарлари билан. Истиқбол кўчасининг 3 ва 4-тупикларига асфальт ётқизилди. Уйларнинг номерлари тартибга келтирилди. Стародубцев, Қиналарбот, Першин, Темирйўлчи кўчаларидаги суғориш тармоқлари ремонт қилиниб, ободонлаштирилди.

Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларининг меҳнат коллективлари, аҳоли яшайдиган район территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликларида, шанбалик ва якшанбаликларда фаол қатнашдилар. Доимий комиссия аъзолари бўлган депутатлар аҳолини бу хайрли ишларга сафарбар этишда жонбозлик кўрсатдилар. Натижада шанбаликларда ишчи-хизматчилар 160 минг меҳнат куни ишлаб бердилар. Уларнинг куч-гайратлари билан 30 минг тупдан ортиқ дарахт кўчатлари ва ниҳоллар ўтказилди, 180 километр узунликдаги ариқлар тозаланди, 20 минг тонна чиқинди ташилди, 21 тонна металл йиғиб, давлатга топширилди ва ҳоказо.

Беш йилликнинг учинчи йилида сайловчиларнинг 14 наказини амалга ошириш планлаштирилган. Комиссия бу наказларнинг бажарилишини ўз назоратига олган. Бу йил ҳам Салор канали соҳилини бетон плиталар билан мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Салор каналининг икки соҳилида буёғи этилган хиёбонлар район меҳнаткашларининг ёз фаслида дам оладиган энг яхши жойларига айланяпти.

Н. И. Зисман раислик қилаётган ободонлаштириш бўйича доимий комиссия аъзолари бўлган депутатлардан Рихсиниса Ҳудойберганова, ишчи Мария Бикова, «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси контролёри Людмила Самойлова, шаҳар электр тармоқлари корхонасининг электр монтёри Содиқ Бобомуҳамедов ва бошқалар ўзларининг фидокорона меҳнатлари ва фаолликлари билан комиссия олдига юбилей йилида қўйилган муҳим вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ёрдам бердилар.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Тошкент шаҳар, Совети ижроия комитетининг 1977 йил ноябрь ойида қурилиш ишлари, кўчалар ҳамда автомобиль йўллари ремонти сифатини ошириш ва уларни яхши асраш тўғрисида қабул қилган қарори қурилиш ва капитал ремонт ишлари олиб борувчи барча ташкилотлар масъулиятини оширади. Бундай ташкилотлар районда кўплаб топилади. Улар ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилидан бошлаб кўчалар қурилишини ва капитал ремонт ишларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубида.

— Мактубда таъкидлангандек, қурувчилар, лойиҳа, монтаж ва планлаштириш ташкилотларининг ҳодимлари бутун куч-гайрат, восита ва ресурсларни аввало ишга туширилади объектларга тўпланиши, корхоналарни реконструкция қилишни активроқ олиб борилиши, қурилишни жадаллаштиришга ва унинг қимматини арзонлаштиришга интилишлари, бригада пудрати методини кенгроқ жорий этишлари зарур. Токи 1978 йил учун белгиланган ва беш йиллик планда кўзда тутилган барча объектлар ўз муддатида сифатли қилиб қурилиши лозим, — дейди биз билан суҳбатда доимий комиссия раиси Н. И. Зисман.

Халқ депутатлари Ленин район Советидаги ободонлаштириш бўйича доимий комиссия ўзининг 1978 йил учун тузган иш планида асосий эътиборни ана шу вазифаларга тушириладиган объектларга тўпланиши, корхоналарни реконструкция қилишни активроқ олиб борилишини, қурилишни жадаллаштиришга ва унинг қимматини арзонлаштиришга интилишлари, бригада пудрати методини кенгроқ жорий этишларни зарур. Токи 1978 йил учун белгиланган ва беш йиллик планда кўзда тутилган барча объектлар ўз муддатида сифатли қилиб қурилиши лозим. — дейди биз билан суҳбатда доимий комиссия раиси Н. И. Зисман.

Халқ депутатлари Ленин район Советидаги ободонлаштириш бўйича доимий комиссия ўзининг 1978 йил учун тузган иш планида асосий эътиборни ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда район меҳнаткашларини сафарбар қилишга қаратган.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети томонидан мақулланган Киров ва Октябрь район меҳнаткашларининг март —апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари Ленин район ободонлаштирувчилари, барча корхоналарнинг коллективлари томонидан тўла маъқулланди. Бу ташаббуснинг қиммати шундаки, у доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига шу йил 22 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳамда меҳнаткашлар умумхалқ байрами — 1 Майни ишончлашга шаҳарни тайёрлаш билан якунланади. Икки ойликнинг биринчи кунидан енг шимариб ишга киришган меҳнаткашлар аниқ тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Район территориясида кўкламда қирқ минг тупга яқин дарахт ва етмиш минг тупдан ортиқ ниҳоллар, кўплаб тул кўчатлари ўтказилади. Ҳозир йигирма беш километрдан зиёд суғориш тармоқлари тозаланди ва ремонт қилинди. Шу билан бир қаторда Салор канали соҳилида. Кўйлиқ тураг жой массиви. Кўйбишев шоссесида янги хиёбонлар барпо этилмоқда. Район территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда халқ депутатлари бош-қош бўлишмоқда ва сайловчилар наказларига амал қилишмоқда.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

И. ЭШИМБЕТОВ: Тошкент политехника институтя кечки бўлимининг 3-курсида ўқийман. Кундузи авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайман. График бўйича ноябрь ойида меҳнат отпускасига чиқишим керак. Лекин меҳнат отпускамни ёзги каникул даврида областда— отам ҳузурида ўтказмоқчи эдим. Мен истаган пайтда меҳнат отпускасига чиқишим мумкинми?

Жавоб: Олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус билим юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқувчиларга албатта ёз ойларида меҳнат отпускаси бериш тўғрисида қонунчиликда ҳеч нарса дейилмаган. Шу билан бирга, корхона раҳбарлари билан меҳнаткашлар ўртасида тузиладиган коллектив шартномаларда ишлайдиган ўқувчиларга ёзги ва қишки каникул пайтида меҳнат отпускаси бериш, буни меҳнат отпускаси тўғрисида график тузилаётган пайтда ҳисобга олиш тажрибада синаб кўрилмоқда. Агар сиз ишлаб турган корхонада тузилган коллектив шартномада ана шу масала киритилмаган бўлса, график бўйича ноябрь ойида навбатдаги меҳнат отпускасига чиқасиз.

* * *

А. БОЗОРОВ: Кам меҳнат ҳақи олиб ишлаётган, ишдан бўш вақтида ўриндошлик йўли билан бошқа ташкилотда ҳам меҳнат қилаётган киши икки жойдан бир йўла меҳнат отпускасига чиқиши ва меҳнат отпускаси ҳақи олиши мумкинми?

Жавоб: Шуни маълум қиламизки, эгаллаган вазифаси бўйича асосий иш жойида 70 сўмдан ортиқ маош олмайдиган хизматчилар, шунингдек ишчилар ва кичик ходимлар бўш вақтларида ўриндошлик йўли билан бошқа ташкилотда ишлашлари мумкин. Уларга асосий иш жойларидаги каби, ўриндошлик билан меҳнат қилаётган ташкилотларидан ҳам белгиланган муддатга меҳнат отпускаси берилиб, ҳақ тўланади. Ходим ишлаб бўлмаган тақдирда, фойдаланилмаган отпуска кунлари учун ҳақ тўланади.

* * *

Н. ПИРМАТОВ: Мен меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйдим. Иш жойимга учрашсам, сизга бошқа меҳнат дафтари дубликати берилмайди, деб жавоб қилишди. Мен меҳнат дафтарчамнинг дубликатини қаердан олишим мумкин?

Жавоб: Меҳнат дафтарчасини (қўшимча варақани) йўқотган ишчилар бу ҳақда сўнгги иш жойлари маъмуриятига зудлик билан маълум қилишлари керак. Бу маълумотдан сўнг 15 кундан кечикмаган муҳлатда корхона ёки ташкилот маъмурияти ўз ходимига бошқа меҳнат дафтарчаси ёки қўшимча варақа бериши керак. Ана шу ҳужжатнинг биринчи варағининг ўнг томонтепа бурчагига «Дубликат» деб ёзиб қўйилади.

А. КАРАВАЕВА,
Тошкент область касаба союзлари Совети юридик бўлимининг юрист консультанти.

ЯГОНА ЦЕХ ПУДРАТИ

Ленинград областидаги «Невская дубровка» бирлашмасининг мебелсозлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг Давлат Сифат белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олдилар. Бу ерда беш йилликнинг бошидан буён фахрий тамға билан чиқарилаётган маҳсулот миқдори қарийб тўртдан бир баравар кўпайди. Бунга кўп жиҳатдан корхоналар ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг янги формаси жорий этилганлиги натижасида эришилди.

Эндиликда мебель гарнитурларини ишлаб чиқаришда иштирок этаётган бригадаларнинг ҳаммаси бир неряд билан ишламоқда. Бригадирларнинг кенгаши мусобақа ғолибини аниқлаб беради. Белгиланган баҳога мувофиқ цехнинг моддий рағбатлантириш фондидан бригадага мукофот пули ажратилади.



Шаҳримиздаги «Узторгреклама» комбинатининг бадиий цехи магазинлар, қаҳвахона ва ресторанларни безатиш билан шуғулланади.

СУРАТДА: шу цехнинг рассомлари Турсун Одилов ва Юрий Николаев металга гул солишмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Ҳурматли редакция! Менга йўтал касаллиги ва шу касалликни даволаш ҳақида маълумот берсангиз.

Ғофур АҲМЕДОВ,
Улуғ Ватан урушн инвалиди.

Шифокор қабулида

ОДАМ НЕГА ЙЎТАЛАДИ?

Йўталнинг пайдо бўлиш сабабларини ёзишдан аввал, инсоннинг қандай нафас олиши, бу жараёнда қайси аъзолар иштирок этиши ҳақида бир озгина тўхталиб ўтишимиз ўринлидир. Маълумки, кишининг организми сонсаноқсиз ҳужайралардан ташкил топган. Шу ҳар бир ҳужайранинг яшаши ва ўз вазифасини бажариши учун ўнга етарли миқдорда озуқа моддалар ва кислород керак. Ҳаёт учун зарур бўлган барча элементлар орасида ягона кислород соф ва газсимон тарзда ўзлаштирилади. Ҳужайраларда кислород қатнашувида айрим органик моддалар «ёниб», организм фаолиятининг барча турларини (ҳаракатланиш, фикрлаш, кўриш ва бошқалар) таъминловчи энергия ҳосил бўлади. Инсоннинг кислородга бўлган муҳтожлиги овқат ва сувга қарагандакучлироқдир. Одам сувсиз ўн кун, овқатсиз бир ойдан ортиқроқ яшай олса, кислородсиз фақат 4—5 минутгина чидай олади, холос.

Нафас олиш аъзолари икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси ҳаво ўтказадиган найсимон органлар (оғиз ёки бурун бўшлиғи, ҳалқум, кекирдак, яъни трахея ва бронхлар). Иккинчиси — қон билан ҳаво ўртасида газлар бевосита алмашинадиган ўпкадан иборат.

Нафас йўлларининг вазифаси фақат ҳавони ўтказибгина қолмасдан, унн гавда иссиқлиги даражасигача иситади, чангдан, ҳар хил зарарли микроблардан тозалайди, намлайди ва қонга ўтишга тайёрлаб беради. Бу аъзолар орасида бурун бўшлиғининг вазифаси айниқса муҳимдир. Унинг деворн нотекис бўлиб, юзаси шиллиқ қават билан қопланган, бу парданинг ичида жуда кўп қон томирлари жойлашган бўлиб, улар гўё сув билан бинони иситиш системаси (батарея) сингари олинган ҳавони бадан ҳароратигача иситиб беради. Олимларнинг берган маълумотича, бурун билан нафас олинганда оғиз билан олинган ҳавога қараганда ўпкага 25 процент кўпроқ ҳаво ўтади. Шунинг учун ҳам ўпканинг турли касалликлари бурун билан нафас олиши қийинлашган кишиларда учрайди.

Ҳаво ўтказувчи барча нафас йўлларининг юзаси махсус киприкчалари бўлган ва шилимшиқ модда ишлаб чиқарадиган шиллиқ парда билан қопланган бўлади. Бу киприкчалар тинмай пастдан юқорига қараб ҳилпиллаб ҳаракат қилиб туради, шу сабабга кўра шиллиқ қават юзасидаги суюқлик ўзига чанг зарралари, микроблар ва бошқаларни қўшиб олиб юқорига — томоққа қараб тахминан минутига 2 сантиметр тезликда ҳаракатланади. Бу махсус йўтал майдончаларига етиб келганда перн охири қўзғалиб узунчоқ миядаги йўтал марказига беради. Ана шу пайтда одам йўталиб, ҳосил бўлган суюқликни ташқарига чиқаради. Шундай қилиб, йўтал соғ одамда ҳам ихтиёрдан ташқари бўладиган ва нафас йўлларини ташқи муҳитдан тушган чанг, микроб, ёт жисмлар ҳамда бошқа моддалардан тозаловчи ҳаракатдир.

Йўтал, бу бирдан пайдо бўлувчи ва кўп мартаба қайталанувчи нафас чиқаришдир. Бунда аввал чуқур нафас олинади, кейин товуш бойламлари бир-бирига яқинлашиб, нафас чиқаришга тўсқинлик қилади, сўнг нафас мушаклари бир неча марта қисқариши натижасида ҳаво йўталга хос товуш билан отилиб чиқарилади. Йўтал, юзага келган кучли ҳаво оқими нафас йўлларидаги ғиғилиб қолган суюқликни чиқариб ташлайди.

Йўтал тутиш ҳуружига қараб 3 га бўлинади: пароксизмал— бунда йўтал ҳар хил муддат билан давомли тутади: вақти-вақти билан тутувчи — бунда нафас йўлларида йўтални қўзғатувчи суюқликнинг йиғилишига қараб тутади ва улар чиқарилиб ташланиши билан босилади; тўхтовсиз йўтал ҳуружи — бунда кеча-кундуз бирдай йўтал ҳуружи тутади. Булардан ташқари, йўталлар яна бир неча турга бўлинади. Бу-лар орасида қуруқ йўталга жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Қуруқ йўтал кўпинча бемор учун азобли бўлади. Бу йўтал нафас йўлларининг турли касалликлар таъсирида торайиб қолишида, ёт моддалар, қон, йиринг моддалар билан нафас йўлларининг бекилиб қолишида ва бошқа ҳолларда юз беради. Баъзан нерв системасининг айрим касалликларида ҳам қуруқ йўтал бўлиши мумкин.

Балғамли йўтал ўткир трахеобронхит касаллигининг тугаллашида, сурункали бронхитда, ўпка ялтиғланишида, сил сингари касалликларнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Юқорида айтганларимиздан ташқари, айрим ҳолларда йўтал юрак, овқат ҳазм қилиш аъзолари, жумладан жигар, ўт пуфаги яллиғланиши каби касалликларда ҳам пайдо бўлади. Жуда кам учрайдиган йўтал турига асаб йўталн киради. Одамда бу йўтал киши ҳаяжонланганда ёки суҳбат бирдан тўхтаб қолганда ҳуруж қилади. Беморда бундай йўталнн уни ҳар томонлама текширнб кўрилгандан сўнг, айниқса силнинг бошланғич турн бўлмагандан кейингина бор, дейнладн.

Узоқ муддат ва тез-тез йўтал тутиши организмга зарарли таъсир қилади, чунки мунтазам равишда кўкрак қафаси ва нафас йўлларида босимнинг ошиб турнши ўпканинг кенгайиб кетиши касаллигига олиб келади. Бундан ташқари, ўпкада қон айланиши ҳам бузилиб, юрак ҳам ишдан чиқиши мумкин.

Хўш, йўталнн даволаш учун нималар қилиш керак? Бунда даволаш асосан йўталнн пайдо қилган касалликка қаратилади, яъни плевритга, бронхитга, ўпканинг яллиғланишига, силга ва бошқаларга алоҳида аҳамият берилади.

Юқорида ёзилгани дек, йўталнинг сабаблари— сил, ўсма каби оғир касалликлар ҳам бўлиши мумкинлиги учун, ўз фикрингизча арзимагандек туюладиган «енгил» йўтал пайдо бўлса ҳам ўтиб кетади деб бепарво бўлманг! Кўпчилик поликлиникалар қошида бўладиган флюрография кабинетнга мурожаат қилиб ўпканигизни текширтириб кўринг. Чунки ҳар қандай енгил касалликни ҳам даволагандан кўра олдини олган яхши.

Республикамизда ўпканинг турли касалликларини даволаш учун шаҳар касалхоналаридан ташқари махсус кафедралар, институтлар ҳам мавжуд. Бу даргоҳларда профессорлар, фан кандидатлари билан бирга, юқорн малакали врачлар халқ саломатлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар.

А. АМИНОВ,
медицина фанлари кандидати.

Маданият хроникаси

ЯНА БИР ЯНГИ АСАР

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигига бағишлаб Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорлари яна бир асарни саҳналаштирди. Таниқли совет адиби Б. Васильевнинг асари асосида яратилган «Рўйхатларда йўқ...» драмасини М. Захаров ва Ю. Визборлар инсценировка қилишган. Алангали йиллар ва матонатли совет кишилари ҳақида ҳикоя қиладиган бу асарни Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоир Ҳусниддин Шарипов таржима қилган. Театрнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев асарни саҳналаштирди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Г. Брим асар мазмунига хос тасвирлар яратган.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ҚАҲРАМОНИ

Республика кўғирчоқ театри коллективи ўз томошабинларига яна бир мароқли асарни тақдим этди. Бу ёзувчи Шукур Саъдулланинг эртак-киссаси асосида Эней Давшин яратган «Качал полвон» номли кўғирчоқ спектаклидир.

Качал Полвон — ёғочдан ишланган болакайдир. У меҳрибон, кўнгли очиқ йигит. Качал Полвон дунёдаги капалакларнинг энг гўзал маликасини тутқунликдан озод қилади. Чумолилар уясини вайрон бўлишдан сақлаб қолади.

Кўғирчоқ театри коллективи Ҳиндистон сафарида ана шу «Качал полвон» асарини ҳинд тилида намойиш қилиб, ҳиндистонлик санъат ихлосмандлари олқишини қозонган эди.

Энди асар шоир Пўлат Мўмин таржимасида ўзбек тилида саҳналаштирилди.

Асарни Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр И. Ёқубов саҳналаштирган. Безакларни эса Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Акудин ишлаган. Асар мазмунига ҳамоҳанг куйларни бастакор Сайфи Жалил яратган.

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Тарих ва география бўйича шаҳар олимпиадасида 200 дан зиёд ўқувчи — район конкурсларининг ғолиблари иштирок этишди. Олимпиада қатнашчилари Ватанимиз ва ўлкамиз тарихи, жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволига доир ўз билимларини намойиш этдилар. 50, 85, 111, 28, 224-мактабларнинг ўқувчилари — Татьяна Корсовская, Маҳсуда Дадабоева, Шодмон Каримов, Баҳтиёр Аҳбаров, Баҳтиёр Ваҳобов ва бошқалар ушбу фанлар бўйича баҳорги каникул кунларида ўтказиладиган республика олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига

ДУНЁНИНГ 97 ТИЛИДА

«Художественная литература» нашриёти Л. Н. Толстойнинг янги йигирма икки томлик асарлар тўпламининг дастлабки икки томини босмадан чиқарди. 500 минг нусхада чоп этилаётган бу тўплам аввалги йигирма томлик нашрдан фарқли равишда буюк адибнинг публицистикаси, хатлари ва кундалик хотиралари билан ўқувчиларни янада тўлиқроқ таништиради.

СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетида ТАСС мухбирига қуйидагиларни хабар қилдилар. Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан юбилей нашрлари планида буюк адибнинг 155 га яқин асарини ва шунингдек унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотларни нашр этиш кўзда тутилган. Юбилей нашрининг умумий тиражи 26 миллион нусхадан ошади. Бунга «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» романлари, пьесалари, повесть ва ҳикоялари киритилган. Толстой ҳақидаги асарлар рўйхати ниннинг унинг ҳақидаги машҳур мақоласининг янги нашри билан бошланади.

Л. Н. Толстой ижодига чет эллардаги зўр қизиқиш эътиборга олиниб, унинг кўпгина китоблари бизда чет тилларда—инглиз, француз, испан, фин, ҳинди, гужарат, малайзия, амҳар ва бошқа тилларда нашр этилмоқда. Махсус совға нашрлари, ўтмишдаги машҳур усталар ва ҳозирги рассомлар томонидан яратилган альбомлар ва адиб портретлари, унинг асарларига чизилган суратлар туширилган открыткалар ҳам босмадан чиқарилади.

Л. Н. Толстойнинг асарларига доимо талаб катта бўлган, лекин Совет ҳокимияти йилларида бу асарларнинг нашри мисли кўрилмаган даражада ошди. Шу вақт ичида бизнинг мамлакатимизда унинг асарлари 2.437 марта қарийб 193 миллион нусхада нашр этилди. Бу асарлар бизда СССР халқларининг 66 тилида ва чет мамлакатлар халқларининг 31 тилида чоп этилган.

(ТАСС).



Мунира Зуфарова кўп йиллардан бери шаҳримизнинг Чилонзор районидаги 29-поликлиникада терапевт бўлиб хизмат қилади. Шу кунгача райониинг юзлаб меҳнаткашларн ширинсухан, тажрибали врач Зуфарованинг қўлидан шифо топди. У ўзининг меҳнатсеварлиги билан поликлиника коллективининг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонган.

СУРАТДА: Мунира Зуфарова навбатдаги беморни қабул қилмоқда.

А. Жумаев фотоси.

Газетхон илтимоси

ОЗИШ ҲАҚИДА

«Шифокорлар семизлик яхши эмас, бу киши сиҳат-саломатлигига зарар етказади, дейишади. Хўш, одам семириб кетмаслиги учун нима қилиши керак», деб сўрабди оқпошхон Санобар Алимова. Қуйида бу ҳақда медицина фанлари кандидати О. Шевцованинг жавобини диққатингизга ҳавола қиламиз:

— Кишининг тўлалиги, яъни семизлиги савлатга савлат қўшади дейишади, лекин табобат илми кўзи билан қараганда семизлик соғлиқ учун кони зиён. Чунки ортиқча эт кишининг юриш-туришини қийинлаштиради, қолаверса юракка ортиқча юк бўлади. Нотўғри, ҳаддан ташқари кўп овқатланган ва кам ҳаракат қилган одам тез семиради.

Борди-ю, ўрта семизликда бўлишни истасангиз таъбингиз тортган овқатни ейиш билан бирга кўпроқ пиёда юришга одатланинг. Ейдиган овқатингиз ҳилма-хил бўлишига эътибор қилинг.

Агар ўзингизнинг семира бошлаганингизни сезсангиз, кувватли овқатни кўп ейишдан, шунингдек нон, ҳамирли таомларни истеъмол қилишдан тийинг.

Лекин гўшт, туҳум, сут ва шу каби сермоҳсил таомларни бемалол истеъмол қилсангиз бўлаверади. Масалан, бир киши кунига 2—3 стакан сут ёки қатиқ, 150—200 грамм ёғсиз гўшт, 30 грамм қаймоқ, 100 грамм сузма, 100 грамм балиқ гўшти, 25 грамм ўсимлик мойи, 300—400 грамм турли хил сабзавот, жумладан помидор, бодринг ёки пиёз, 200 грамм олма, 100 грамм сарёғ, 200—300 грамм нон истеъмол қилса кифоя. Бундан ташқари кофе, помидор шарбатлари ичиб туриш лозим. Шунда у тез семириб кетмайди, чаққонлигини, чапластлигини йўқотмайди.

Баъзи бировлар озаман деб кўпинча ўзини оч қолдиради, қантаради. Бу — нотўғри, албатта. Бу уринишлар киши соғлигига зарардир.

Иштаҳангиз қалай?

Анор ва пиёз салати

Сифатли ва тўғри овқатланиш саломатликка, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Лекин энг муҳими истеъмол қилинган овқатни яхши ҳазм қилишдир. Бу борада табиат инъоми—сабзавот ва меваларга алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки сабзавот ва мевалар иштаҳани очади, меъда ширасн кўп ажрала бошлайди. Булардан ҳар хил кўринишда салатлар тайёрлаб дастурхонга тортилса, янада иштаҳа очади. Бу бежиз эмас, чунки салатларнинг ташкил кўриниши, улар таркибидаги эфир мойларининг ўзига хос ҳиди ва мазаси ошқозон ширасини кўп ажратган ҳолда, тановул қилинган таомларнинг енгил ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Салатлар ўзининг чиройли кўриниши билан дастурхонни безайди, таомларни витаминлар билан бойитади ва тўйимли ҳисобланади. Мана шундай салатлардан бирини анор ва пиёздан тайёрласа бўлади.

Бундай салатни тайёрлаш учун ўртача катталикдаги 2 дона пиёз (150 грамм), 1 та анор (250 грамм) ва бир чимдим туз етади. Шу кўрсатилган маҳсулотлардан тайёрланган салатни истеъмол қилганда одам организми оқсил, карбон сувлар, витамин ва минерал элементлар билан таъминланади.

Бу маҳсулотлар таркибида оқсил, витаминлардан каротин, B_1, B_2, РР витаминларининг миқдори жуда ҳам кам. Лекин карбон сувларнинг ҳамда калий моддасининг миқдори талайгина дир. Карбон сувларнинг миқдори ўртача ҳисобда 63 граммни ташкил этса, калийники 229 миллиграмм ва тенгдир. Анор ва пиёздан қилинган салатда кальций моддаси 48 миллиграмм, магний 18 миллиграмм, фосфор 73.5 миллиграмм, темир миқдори эса 1.05 миллиграммни ташкил этади. Бу элементларнинг организмда модда алмашинувини изга соладиган хусусияти ҳеч кимга сир эмас. Масалан, кальций ва фосфор тузлари одам суяк тўқимасининг ташкилий қисми ҳисобланса, темир—қоннинг қизил қон таначаларининг (эритроцитлар) асосий қурилиш материалидир.

Шунисн ажойибки, кишининг кундалик яшаш фаолнятн учун 60 миллиграмм С витамини зарур бўладиган бўлса, у ҳолда юқорида айтилган миқдордаги салат организмнинг шу витаминга бўлган талабининг ярмини қоплар экан.

Хулоса қилиб айтганда, анор ва пиёздан қилинган салат ўз таркибида одам организми учун зарур бўладиган кўпгина озуқа моддаларини сақлаш билан бир қаторда, уй шароитида осон тайёрланиши билан ҳам эътиборга сазовордир.


Б. РАСУЛОВ,
медицина фанлари кандидати.

Жаҳон ойнаси

«ШКОДА»ГА ОҚ ЙЎЛ!

ПРАГА. Чехословакиянинг Остров-Огржа шаҳридаги машинасозлик заводи коллективи «Шкода» троллейбусларининг дастлабки туркумини шу йил СССРга юборншга тайёрлаб қўйди. Бу йил Совет Иттифоқига ҳаммаси бўлиб 220 та троллейбус юборилади. Бу эса заводда ишлаб чиқарилган троллейбусларнинг қарийб учдан икки қисмини ташкил қилади.

Чехословакия СССРдан бошқа давлатларга ҳам троллейбуслар етказиб бермоқда. Завод Европадаги ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга шунингдек Ҳиндистон ва Норвегияга ҳам троллейбус юбормоқда.



СССР билан Финляндия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб тобора мустаҳкамланиб бормоқда. СССРнинг буюртмаси билан А/О «Вяртсиля» номасозлик верфида қурилган «Капитан Николаев» музёрари ана шу самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўла олади.

СУРАТДА: «Капитан Николаев» музёрари.

ТАСС фотохроникаси.

ҚЎРИҚ ЕРЛАР ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикасида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳаракати оммавий тус олмоқда. Халқ Революцион партиясининг республикада ғалла майдонларини анча кенгайтириш тўғрисидаги чақирнгига жавобан ҳар бир вилоятда қўриқ ерларни очиш учун механизациялашган отрядлардан бири «Беларусь —МТЗ — 50» маркали 10 трактор Вьентьян яқинидаги Тулаҳом районида янги ерларни ҳайдамоқда.

Бўз ерларни ўзлаштириш билан шуғулланаётган деҳқонларга Халқ озодлик армияси жангчилари ишчилар, хизматчилар, студентлар ёрдам бермоқдалар.

«ЭНГ ТОЗА ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ»

ВАРШАВА. Варшавадан жануброқдаги Козеницкая Пушча чеқкасида, Висла соҳилида Халқ Польшасида энг катта иссиқлик электростанциялардан бири қад кўтармоқда. Қуввати 1 миллион 600 минг киловаттга етказилган станция қурилишида ҳозирги вақтда энг асосий эътибор ҳар бири 500 минг киловатт қувватга эга бўлган иккита янги турбоагрегатларни монтаж қилишга қаратилган. Бу агрегатларни Совет Иттифоқи етказиб беради.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Кенгашининг Раиси П. Ярошевич янги қурилишда бўлди. Биноқорлар Польшада «энг тоза электростанция» — «Козеница» қандай қурилаётганлиги тўғрисида ҳунармандлар бошлигига фахрланиб гапирдилар. Бу ерда атроф муҳитнинг ифлосланиш хавфи тугатилган. Атмосферага чиқадиган моддаларнинг 99 процентн нучун электрофильтрлар воситаси билан ушлаб қолинади. Станция ёнида қурилган завод шу чиқиндининг 30 процентини қайта ишлаб биноқорлик материалига айлантиради.

ПОРТУГАЛИЯДА ЗАБАСТОВКАЛАР

ЛИССАБОН. Португалия давлат хизматчилари ҳаёт шароити яхшиланишини талаб қилиб, мамлакат ўз бошидан кечираётган чуқур иқтисодий тангликнинг асосий оғирлигини меҳнаткашлар елкасига юклашга уринишларга қарши умуммиллий забастовка ўтказмоқдалар.

Португалия Министрлар кенгаши стачкани тўхтатиш ва меҳнаткашларни қўрқитиш мақсадида пикетлар ташкил этилишини тақиқлаб, шунга риоя қилинмаган тақдирда вужудга келадиган «тўқнашувлар» учун бутун жавобгарликни забастовка қатнашчиларн зиммасига юклади.

Маҳаллий матбуот бу забастовка сўнгги 57 йил мобайнида давлат хизматчиларининг биринчи забастовкаси эканлигини таъкидлади.

Португалия ўқитувчилари ҳам умумий забастовка эълон қилдилар. Улар таълим-тарбия эҳтиёжлари учун давлат ажратадиган маблағнинг оширилишини, ўқитувчиларнинг иш билан тўла таъминланишини талаб қилмоқдалар.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА
ГАИ АХБОРОТИ

99-мактабнинг тўртинчи синф ўқувчиси 11 ёшли Мухтор Маткаримов мактабдан қайтаётиб, уйига тезроқ бормоқчи бўлди. У Озарбайжон кўчасида КРАЗ-258 маркали 46—17 ТШЕ бензин ташувчи машинага осилди. Машинани С. Шокиров ҳайдаб борар эди. Мухтор бир қўли билан портфелини, иккинчи қўли билан эса пиллапоя темирини ушлаб борар эди. Машина кўп йўл босмасданоқ унинг қўли толиқди ва тутқични қўйиб юборди. шундан кейин бензин ташувчи машинанинг орқа ғилдираги тагига йиқилиб тушди. Унинг оёғи синиб, 17-шаҳар касалхонасига келтирилди.

ТОШКЕНТ ЗБЕТ. ОҚШОМИ

15 МАРТ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

• *Куйи физкультура коллективларида*

Меҳнатга ҳамдам

Жисмоний тарбия совет кишисининг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топиши, жисмоний бақувват кишилар бўлиб етишиши учун таъсир кўрсатаётган муҳим воситалардан биридир. Дарҳақиқат, ҳар жиҳатдан камол топган кишининг меҳнати унумли бўлади.

2-вагон депоси раҳбарлари, ишчи ва хизматчилари ишга ҳудди ана шундай нуқтаи назардан ёндошмоқдалар. Корхонада жисмоний тарбияни юксак погонага кўтариш учун изчил тадбирлар амалга оширилаяпти. Фақат корхонанинг ўзидагина эмас, ишчиларнинг турар-жойларида ҳам спортни оммалаштиришга ёрдам берувчи мусобақалар ташкил қилинмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг 1415 нафари жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланадиган кишилардир. Улардан 350 киши Бутуниттифоқ ГТО комплекси нормативларини бажариб, нишон олишга муваффақ бўлган. Ўтган йили корхонадаги спорт тўгаракларида 3 СССР спорт мастери, 6 спорт мастерлигига кандидат ва биринчи разрядли, 284 оммавий разрядли спортчи тайёрланди.

ГТО комплексига норма топшириш ишларини яхши йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш мақсадида туристик юриш, кросс, енгил атлетика, қураш, чангида учиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил қилинмоқда.

Ишчи ва хизматчилар Чимён ва Хумсон тоғ багиларида дам олаётган пайтларида турли соғломлаштириш ишларига жалб қилинаяпти. Улар Сирдарё сохилидаги пансионат, «Меҳнат» ва Ҳўжакент станциялари, Чорвоқ сув омбори, Зангори кўл, Тошкент денгизи, Исписиққўлда махсус жамоатчи инструкторлар ёрдамида туризм, сузиш ва спортнинг бошқа турлари бўйича ГТО комплексига норма топширишди. Спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказишда жамоатчи инструкторлардан Г. Огнев, А. Титов, С. Гаранин, А. Волков, А. Бирюков, М. Мўминов, Т. Рахвалова, Е. Ушаковалар айниқса жонбозлик кўрсатишяпти.

Депода меҳнат қилаётган комсомоллар, актив физкультурачиларнинг кучи билан корхонада городки, волейбол, баскетбол, сакраш майдончалари, ёзги спорт павильони барпо қилинди. Шунингдек, жамоатчилик ёрдамида кураш ва оғир атлетика зали қурилди, ГТОга норма топширувчилар учун 8 та тайёрлаш группаси ташкил қилинди.

Бу йил жисмоний тарбия ишларини янада ривожлантириш тадбирлари кўриляпти. Яқинда волейбол, мини-футбол, городки, ва спорт овчилари секциялари ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси жисмоний тарбияни оммалаштириш билан бирга маҳоратни оширишга омил бўлади. Ўтган йили бир спорт мастери, уч спорт мастерлигига кандидат, 5 биринчи разрядли ва 184 оммавий разрядли спортчи тайёрланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Корхона физкультура коллективи «Экспресс» спорт клуби спартакиадаси ва «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг тармоқ совети спартакиадасида қатнашиб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Улар умумий ҳисобда биринчи ўринни эгалладилар.

Депо партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва маъмурияти физкультура коллективига катта ёрдам кўрсатишяпти. Корхона 2-спартакиадасини ўтказиш масаласи бир неча марта партия, касаба союз ва комсомол комитетларининг йиғилишларида муҳокама қилинди. Шунингдек физкультурачилар н и н г ГТО нормативларини бажариши, ишлаб чиқариш гимнастикасининг меҳнат режимиш мустаҳкамлашдаги роли масалалари муҳокама қилинмоқда.

Депо ишчилари ва физкультурачил а р и партия ва ҳукуматимизнинг физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш йўлида кўрсатаётган ғамхўрликларига амалий жавоб бериш мақсадида барча куч ва воситаларни ишга солишмоқда. Уларнинг ниятн беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажаришга эришиш билан бирга жисмоний тарбия ишларини ҳам юқори погонага кўтаришдир. Улар оммавийликдан маҳорат сари одимлаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ш. ЮСУПОВ,
Тошкент пассажир станцияси 2-вагон депоси партия ташкилотининг секретари.

Мусобақалар хроникаси

Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари Бокунинг «Нефтчи» командаси спортчилари билан аввал ўтказилган ва натижаси бекор қилинган учрашувни қайта ўйнашди. Кескин вазиятда ўтган беллашувда 3:2 ҳисобида боқувлик қизлар ғалабага эришдилар.

Новосибирск шаҳрида олий лига командалари сўнгги тур ўйинларини бошлашди. Тошкентлик қизлар биринчи бўлиб Ленинград шаҳрининг «Спартак» командаси волейболчилари билан майдонга чиқишди. Бу учрашув ҳам ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Омад ҳамшаҳарларимизга кулиб боқди. Улар 3:1 ҳисобида ғалабага эришиб, ўз актсвларидаги очколарни 10 тага етказишди.

* * *

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида баскетбол бўйича биринчи лига командалари ўртасида икки учрашув бўлиб ўтди. Тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Ўйин 97:82 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлди. Командамизга ёш ўйинчи С. Горячев энг кўп очко келтирди. У рақиблар ҳалқасига ўн марта тўп туширишга муваффақ бўлди.

Такрорий учрашув эса кескин вазиятда ўтди. Аммо бу сафар ҳам Тошкент Давлат университетининг баскетболчилари голиб чиқишди. Ҳисоб 99:89. Голиб команда ўйинчиларидан Ю. Тихонов ва С. Гаврилов-лар яхши ўйин кўрсатишди. Улар командага 25 очко келтиришди.

«Университет» навбатдаги икки ўйинни ҳам ўз майдонида Кишиневнинг «Политехник» командаси билан ўтказади. Учрашувлар бугун ва эртага бўлади.

* * *

Республикамиздаги энг яхши спорт базаларида Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программасига киритилган спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Андижондаги медицина институтининг спорт залида оғир атлетикачилар голиблик учун баҳслашдилар. Бу ерда майдон эгалари энг яхши натижа кўрсатиб, команда ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Тошкент области оғир атлетикачилари иккинчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳри командаси эса тўртинчи ўрин билан кифояланди. Ҳамшаҳарларимиздан Р. Гизатулин ва Ш. Боббекловлар мусобақа шоҳсупасининг энг юқори погонасига кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

Олти спорт тури бўйича бўлган баҳслардан кейин 652.5 очко тўплаган Тошкент шаҳри терма командаси биринчи ўринда, самарқандлик спортчилар эса иккинчи ўринда боришяпти.

* * *

Гимнастика бўйича «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти республика советининг шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Беллашувларда тошкентлик гимнастикачи М. Савинская ва А. Маргенштерилар яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

* * *

Фрунзе шаҳрида ёшлар ўртасида самбо бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Бу ерда республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Улар команда ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

• *ГТО нишонидан—олимпиада медалига*

АНИҚ РЕЖА БЎЙИЧА

А. Боровков номли 150-ўрта мактаб педагогика коллективи ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга уларнинг жисмоний тетик ва соғлом бўлишларига ҳам катта эътибор бермоқда. Бу ерда 147 ўқувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланяпти.

Ўтган йили мактабда 161 ГТО нишондори, 225 оммавий разрядли спортчи, 50 жамоатчи инструктор ва спорт судьяси тайёрланган эди. Бу йилги режалар эса янада улкан.

Яқинда «Ғалаба» боғида Майна Ҳасанова хотира совриии учун ўтказилган кросс мусобақаларида мактаб ўқувчилари актив қатнашиб, совринли ўринни эгалладилар. Бу беллашувларда райондаги барча мактабларнинг ўқувчилари қатнашган эди. «Қувноқ стартлар» конкурсини ўтказиш бу ерда анъана бўлиб қолган.

Мактабда маҳоратли спортчилар анчагина. Темур Орипов ва Сергей Литаев каби спорт мастерлигига номзодлар дзюдо бўйича «Динамо» кўнгилли спорт жамиятида, биринчи разрядли енгил атлетикачи Володя Мартиненко ва шахматчи Миржалол Ҳусанов-лар «Пахтакор»даги спорт секцияларида маҳорат оширишмоқда.

Янги режалар бўйича иш олиб бораётган мактаб физкультура коллективи катта ва масъулиятли мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/III да **Афсоналар водийси**, 17/III да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Уйланиш**, 16/III да **Олтин девор**, 17/III да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Корчалонлар**, 16/III да **Ҳаммомга бало бормиш**, 17/III да **Ишқ қурбонлари.**

КИНО

15 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Тиль ҳақида афсона** (2 серия, катта залда, кечқурун).

Карпат довонлари — «ЧАПКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00), «НУКУС» (11, 15.30, 16, 18, 20.45).

Тиль ҳақида афсона (2 серия) — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 15, 18, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 15, 18, 21.00).

Париждаги ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Фидойи аёл — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

16 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Тиль ҳақида афсона** (2 серия, катта залда, кундуз ва кечқурун).


Карпат довонлари — «ЧАПКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (11, 14, 17, 20.00), «НУКУС» (11, 15.30, 16, 18, 20.45).

Тиль ҳақида афсона (2 серия) — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 15, 18, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 15, 18, 21.00).

Париждаги ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Фидойи аёл — «МОСКВА» (жуфт соатларда).



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 МАРТ — 2 АПРЕЛЬ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ЯНГИ МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ЎРГАТИЛГАН ИТЛАР, ОТЛАР, МАЙМУНЛАР ВА ЭЧКИЛАР ИШТИРОКИДА

ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлимда)

Кулги усталари ШЧУКИН ва СЕРЕБРЯКОВЛАР доимо манежда.

Томошалар соат 10, 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб келиш учун 20 мартгача заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ДИҚҚАТИГА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ УЙ ТЕЛЕФОНЛАРИ НОМЕРЛАРИДАН ИСТИСНО РАВИШДА

АБОНЕНТЛАР ЯНГИ РЎЙХАТИ (справочник)НИ ТУЗИШГА КИРИШДИ

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан абонентлар рўйхатини қуйидаги адрес бўйича нашр группасига юборишларини илтимос қиламиз: Тошкент—11, Навоий кўчаси, 14 «а»-уй.

УИДА ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР КЕЛТИРИЛИШИ ЛОЗИМ:

корхона, ташкилотнинг тўлиқ номи ва унинг қисқача қандай номланиши, кўчанинг номи, уй номери ва унга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимининг номери келтирилган аниқ адрес;

абонентлар рўйхатига киритиш лозим топилган телефонларнинг номери, бунда унинг тегишли бўлимга алоқадорлиги кўрсатилмоғи керак;

айни бир вақтда Сизнинг абонентлар янги рўйхатига нисбатан талаб ва истакларингиз.

ҲАММА МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНГИРОҚ ҚИЛИНГ: 33-80-59, 35-37-59.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТЕЗ КУНДА

«ХАЙРЛИ ТАВАККАЛ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр — Яков СЕГЕЛЬ.

РОЛЛАРДА: Николай Сергеев, Виктор Шульгин, Руфина Нифонтова, Александр Вокач, Александр Михайлов, Александр Лазарев, Лилия Алешниковалар қатнашади.

Фильм қаҳрамони, 34 ёшли спортчи Юрий Русанов спортни ташларкан, энди яшашдан маъно йўқ, деб ўйлайди у. Кутилмаганда уни киностудияга таклиф этишади ва унга каскадер бўлиб ишлашни тавсия қилишади. Янги касб Юрийни жуда қизиқтириб қолади, у янги дўстлар орттиради, бир аёлни учратади қайсики, у кейинчалик Юрий учун энг яқин ва қадрдон киши бўлиб қолади.



М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Телевизор экранида

15 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.00 «Кўпсоҳа ва тажаммор-лик учун». Калуга машинасозлик заводи ҳақида телевизион очерк. 16.30 Янгиликлар. 16.45 «Спортлото» гирожи. 18.05 «Фан олами ҳақида». 19.20 Э. Володарский «Ой бахтан». А. Кольцов номли Воронеж Давлат драма театрининг спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Алла Пошне ва Стахан Раҳимов ўйлайди». Фильм-концерт. 22.30 Кубок эгаларининг кубоги учун Футбол мусобақалари. 1/4 финал. «Динамо» (Москва)— «Реал Бетис» (Севилья, Испания). Ғолибидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ничик концерт». Болалар учун фильм-концерт. 18.20 «Ьш куч». Болалар учун спорт кўрсатуви. 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «Партия сафларининг ўсиши, унинг сифат составини яхшилаш ҳақида гамкўрлик». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Давоми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»). 19.50 «Илҳом». Ижодкорларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Сафимизда қолоқлар бўлмасин». Кўкон пайпоқ тўқув комбинатидан репортаж. 22.15 Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Биз ҳам Спасскданмиз». 19.30 «Ўрмон— бизнинг бойлигимиз». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Санъат турлари. Адабиет». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 21.00 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

16 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Адабий ўқиш». Л. Сейфуллина. «Мактуб». 10.20 «Биринчи курьер». Бадиий фильм. 11.50 Л. Ветховеннинг скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган сонаталарини Н. Школьникова ва А. Гинзбург ижро этади. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 «Бил ва ўдала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.50 «Борис Полевой ижоди». 17.35 «Водра смяна» ансамблининг концерти (Болгария).

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қор қиз». Мультфильм. 18.55 «Сенинг фарзандингман, Москва». Ҳужжатли фильм. 19.55 Совет қўшинлари ёш ижрочиларининг концерти. 20.20 «Санъат усталари». Павел Луспекаев. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Музей ва кўргазмалари бўйлаб». 22.30 «Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионининг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Тубан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Малишок» программаси. 12.30 «Тубан сут эмизувчилар». Зоологиядан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Салом, Рольф». «Биз-нинг уй». Болалар учун телефильмлар. 18.30 «ВЛКСМнинг 60 йиллигига». «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 Телевизион театр. Байрон «Манфред». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дидр тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор» программаси. 22.15 «Доктор Вера». Бадиий фильм. 23.40 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент)— «Политехник» (Кишинёв). «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (Ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Икки қўён ортидан». Кинокомедия (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.30 «Автоматлаштирилган бошқарув системаси — амалда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.40 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

Тошкент область Калинин районидаги 19-мактаб томонидан **Аскаров Миркобил** номига берилган 945042 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади

БИР ШИНГИЛДАН

СУВДАГИ ОЛТИН

Ер планетасининг учдан икки қисми денгиз ва океанлардан иборатдир. Океан сувлари таркибида хилма-хил кимёвий моддалар ниҳоятда сероб. Олимларнинг ҳисобига қараганда, жаҳондаги барча океан сувларида миллиард тонналаб олтин, кумуш ва минглаб тонна радий бор экан.

МУЗ УЛКАСИДА

Мутахассис олимларнинг ҳисобига қараганда, Арктикадаги музлар эриб кетса, унинг қоқ марказида ўртача ҳарорат 5 даражадан ҳам иссиқ бўлиб қоларкан.

ҚУШЛАР ДУШМАНИ

Овчилар, ҳар хил йиртқичлар, турли касалликлар, кучли бўрон сингари табиат офатлари, самолётлар билан тўқнашиш каби қатор хавф-хатарлар дастидан кўпгина қушлар, айниқса нодир қушлар кўп нобуд бўлади.

ҲАШАРОТ ХОНИШИ

Чирилдоқнинг овози шундай ўткирки, у ҳатто паровоз чинқиришидан ҳам ўткирлик қилади. Чирилдоқ бир хониш қилганда 12— 15 секундгача тинмайди. Агар тун осойишта бўлса, унинг куйини 100 метр наридан бемалол эшитса бўлади. Ҳиндистонда бир хил чирилдоқ бор, унинг «ашуласини» ҳатто 800 метрдан ҳам эшитиш мумкин.

СОВУНЛИ ТУПРОҚ

Эгей денгизидаги Кимолос оролига ёмғир ёққанда ҳамма ёқни совун кўпиклари босиб кетади. Буни қарангки, орол тупроғи таркибида кўпирадиган махсус модда бор экан. Орол аҳолиси бу табиий совундан жуда қадим замонларданоқ фойдаланиб келади.



Тошкентдаги 188-болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 200 дан зиёд фарзанди намунали тарбияланяпти. Бу ерда ёш авлоднинг тарбияланиши ва соғлом бўлиши учун барча шароитлар мавжуд. СУРАТДА: боғчанинг катта ёшдаги болалар группасида тарбия соати.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Дунё ажойиботларига тўла*

СУЗИБ ЮРУВЧИ ОРОЛ

Табиатнинг ҳазили қизиқ бўларкан. Биласизми, сузиб юрувчи ороллар ҳам бўлар экан. Тропик мамлакатларда, иқлимий шароитлар дарёларнинг кам нишабли жойларида сув ости ўтларининг ниҳоятда кўпайиб кетишига ёрдам беради. Бу ўтлар шунчалик ўсиб кетадики, маълум муддатдан сўнг дуппа-дуруст орол шаклига келиб қолади. Сув тўлиқ ойлари бу ороллар ҳаракатга келади. Бу ороллар дарё тўғони олдида ва дарё ўзанининг торайган жойида баъзида узунлиги 2— 3 километр келадиган орол ташкил этиб, устида филлар юрган ҳолларни одамлар кўришган.

Бизнинг мамлакатимизда сузиб юрувчи ороллар ҳақида хабар яқин орада тарқалди. Волга дарёсида Рибинск сув омбори қурилгандан сўнг, кема командирлари дарёда картада кўрсатилмаган янги ороллар пайдо бўлганлигини хабар бера бошладилар. Бундай ороллардан бирининг устида сигир ўтлаб юрарди. Сузиб юрувчи орол қирғоққа яқинлашган вақтда сигир унга ўтиб қолган бўлиши мумкин. Бундай ороллар Новосибирск яқинидаги Обск ГЭСи сув омборида ҳам кузатилган. Бу ороллар-тўғон олдига келиб, сувнинг бир меъёрда оқишини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бу ҳолларда уларни қирғоққа чиқариб олиш чоралари кўрилади.

Ўлкамиздаги дарёлар шўх бўлиб катта тезлик билан оққанлиги учун, уларда сузиб юрувчи ороллар ҳосил бўлиши учун шароит етарли эмас.

✦ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ КИНОТЕАТР

Сергели районида 300 ўринли янги кинотеатр фойдаланишга топширилди. Бу шаҳримизда йил бошидан бери очилган учинчи кинотеатр бўлиб, бундан аввал Беруний проспектида «Гунча» ва Юнусобод массивида 450 ўринли кинотеатрлар ишга туширилган эди. Бу билан шаҳримиздаги кинотеатрлар сони 23 тага етди, унда бир йўла 40 мингга яқин томошабин фильмларни кўриши мумкин.

ЭКСПРЕСС МАРШРУТИ

«Главташпасса в т о-транс» бошқармаси йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида 6-автобус маршрутини янги экспресс маршрутига айлантирди. Эндиликда бу автобус «Собир Раҳимов» метро станциясидан Сергели районигача боряпти. Бу маршрутдагиларга «ЛИАЗ» ва «Икарус» маркадаги 20 та автобус хизмат кўрсатмоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

15 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар, партия гурмуша — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш—32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; вълонлар бўлими —33-81 42.

Р—12904. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байрон орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Натр Д— 1261.